

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ
№ ВМ – 343 - 5А340607 – 2.02
«1» Июль 2003 й

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

«8» Июль 2003 й

**ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИ ВА
ГЛОБАЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ
фанидан**

ДАСТУР

Тошкент-2003

Тузувчилар: доц. Шохаззамий Ш.Ш.,
доц. Джураев В.Д.

Такризчилар: Нуритдинов Б.С.
доц. Абдураимов А.А.
доц. Исмоилов К.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан ҳамда уларнинг негизида ишлаб чиқилган 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши» ва 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» таълим соҳалари бўйича Давлат Таълим Стандартлари талаблари доирасида тайёрланган. Дастурда фаннинг назарий, услубий, амалий мавзулари ва масалалари етарли ёритилган. Дастур доирасида фанни ўрганиш замонавий педагогик, ўқув-услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги магистратура талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

Настоящая программа подготовлена на основе Закона Республики Узбекистан «Об образовании» и постановления Кабинета Министров от 16 августа 2001 года №343, а также разработанных на их основе Государственных Стандартов по направлениям образования 5А340607 – «Операции на международных финансовых рынках», 5А340608 – «Ценные бумаги и биржевое дело» и 5А340614 – «Управление рынками инвестиций». В ней в достаточной мере освещены теоретические, методологические, практические темы и вопросы дисциплины. Изучение дисциплины в рамках программы основывается на современные педагогические, учебно-методические, научные и практические технологии. Программа предназначена для обучения студентов магистратуры экономических направлений.

This program was prepared according to the law of the Republic of Uzbekistan “ About Education” and to the enactment of the Cabinet of Ministers (from August 16, 2001, №343), as well as according to the State Educational Standards, such as 5А340607- “Operations at International Financial Markets”, 5А340608- “Securities and Stock Exchange”, 5А340614 – “ Management of Investment Markets ”, created on basis of the aforementioned laws. Theoretical, methodological, practical themes and issues of the discipline were sufficiently stated in the program. According to the program, studies of the discipline are based on the up-to-date pedagogical, educational, methodological, scientific, and practical technologies. The program is designed for tuition of graduate students’ of economical directions.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунида, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ҳар томонлама етук ва баркамол мутахассисларни тайёрлаш-давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилган. Ушбу ишларни амалга ошириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши», 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» таълим соҳалари бўйича Давлат Таълим Стандартлари жорий қилинди. Амалдаги Стандартлар асосида тайёрланган дастур «Жаҳон молия бозори ва глобаллаштириш муаммолари» фанининг назарий, услубий ва амалий мавзулари ҳамда масалаларини ўз ичига олган бўлиб, фанни ўрганишнинг замонавий педагогик, ўқув-услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги магистратура талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

Ўқитишнинг мақсади ва вазифаси ҳамда бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Ўқитишнинг мақсади бўлиб, талабаларга жаҳон молия бозори ва уни глобаллаштириш соҳасидаги фаолиятнинг умумлаштирилган назарий, методологик, амалий билим ва кўникмаларини бериш ҳисобланади.

Ўқитишнинг вазифаси бўлиб, талабаларни жаҳон молия бозори ва уни глобаллаштириш соҳаси бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва амалий-ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлаш ҳисобланади.

«Жаҳон молия бозори ва глобаллаштириш муаммолари» фани магистратуранинг 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши», 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» мутахассисликларида асосий фанлардан бири бўлиб, бу фан кўрсатилган йўналишлар доирасидаги бошқа фанларга асосланади ва улар билан узвий боғланган.

«Жаҳон молия бозори ва глобаллаштириш муаммолари» фани доирасида магистрант-талабалар билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Талабалар фанни ўрганиш натижасида фанни ўқитишдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишлари лозим, шу доирада олган билимларини, ўқувларини ва кўникмаларини илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва амалий-ишлаб чиқариш фаолиятларида кўрсатилган таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартларида талаб қилинганидек самарали қўллай олишлари керак.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Талабаларга замонавий усулда фанни ўргатиш ва уларнинг билимини баҳолаш учун куйидаги технологиялар ва материаллардан фойдаланилади:

-талабаларни аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўқитишнинг, мустақил таълимнинг илғор педагогик усуллари;

-ўқитишнинг техник воситалари, ўқув фильмлари, слайдлар, дидактик материаллар, плакатлар, тестлар, амалий масалалар, иш ўйинлари, кўргазмали куроллар, электрон материаллар, статистик ахборот, тарқатма ўқув материаллари, методик кўрсатмалар, янги дарсликлар, маъруза матнлари, монографиялар;

-тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар;

-фан бўйича халқаро ва Ўзбекистон тажрибасига оид тегишли материаллар;

-компьютер-ахборот технологиялари, махсус дастурлари ва ИНТЕРНЕТ ёрдамида фанга тегишли билим ва материаллар;

-талабалар билимини мунтазам жорий, оралиқ ва якуний баҳолашда сўров,

рефератлар ёзиш, тест-текширув, амалий масалалар ечтириш усулларидан фойдаланиш;
- иқтидорли талабаларга фан доирасида чуқурроқ, кўшимча ва мустақил ишлашлари учун шароитлар яратиб бериш;

- мутахассисларнинг илмий-амалий мақолалари, молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори (ҚҚБ) бўйича расмий ахборот бюллетенлари ва ҳисоботлар.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

«Жаҳон молия бозори ва глобаллаштириш муаммолари» фани магистратуранинг 5А340607 – «Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар», 5А340608 – «Қимматли қоғозлар ва биржа иши»(танлов асосида), 5А340614 – «Инвестициялар бозорларини бошқариш» (танлов асосида) мутахассисликларида учинчи семестрда 20 ҳафта давомида ушбу дастур асосида ўқитилади.

Фанни ўқитиш мобайнида дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар бандида келтирилган материаллар ва технологиялар услубий кўрсатмалар сифатида қабул қилиниши мумкин.

Фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўтиш усулида билан амалга оширилади. Талабалар аудиторияда олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаши учун мустақил таълим киритилган, ҳамда уй вазифаларини бажарадилар. Уларнинг олган билимларини назорат қилиб боришнинг тест-синов, оралик, жорий ва якуний баҳолаш усуллари қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади ва улар ўқитувчилар томонидан баҳоланади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Давлат Таълим Стандартида «Жаҳон молия бозори ва глобаллаштириш муаммолари» фанига жами 90 соат ҳажмда вақт ажратилган. Шундан 60 соат (20 соат маъруза, 40 соат амалий машғулот) аудитория машғулотларига, 30 соат мустақил таълимга ажратилган. Фандан маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим ўқитувчилар раҳбарлигида аудиторияда ўтилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг намунавий мавзуси Иқтисодий глобаллашув жараёнларида жаҳон молия бозорини шаклланиши ва ривожланиши

Иқтисодий глобаллашув жараёнларида жаҳон молия бозорининг (ЖМБ) ўрни, мақсади, вазифалари ва муаммолари;

ЖМБ шаклланишининг қисқача тарихи, глобаллашувининг зарурлиги ва муаммолари, ҳозирги замон фаолиятининг шарт-шароитлари ва ривожланиши истиқболлари;

ЖМБ глобаллашувининг халқаро қонуний-меъёрий асослари ва стандартларини шаклланиши ва такомиллашиб бориши, муаммолари;

ЖМБ ва уни глобаллашувининг назарий ва методологик асослари

ЖМБ назарияси, модели, тизими, сегментлари, иштирокчилари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, уни халқаро даражада мувофиқлаштиришнинг асослари ва муаммолари;

ЖМБ назариясининг Ш.Шохаъзамий моделлари асосида талқини;

ЖМБ методологик асосини ташкил этувчи 30 гуруҳи таклифлари ва уларни амалиётга жорий қилиниши муаммолари;

**ЖМБ ва ундаги халқаро даражада интеграциялашган
биржа, депозитарий ва ҳисоблашув-клиринг,
электрон савдо-котировка тизимлари**

ЖМБда ва иқтисодиётда халқаро фонд биржаларининг роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболлари;

ЖМБда ва иқтисодиётда депозитар-реестр тизимларининг роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболлари;

ЖМБда ва иқтисодиётда халқаро ҳисоблашув-клиринг тизимларининг роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболлари;

ЖМБда ва иқтисодиётда халқаро электрон савдо-котировка тизимларининг роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболлари;

**Ўзбекистон молия бозорини жаҳон молия бозорига
интеграцияси муаммолари ва истиқболлари**

Ўзбекистон молия бозори ва молия тизими, уларнинг фаолияти ва мувофиқлаштирилиш муаммолари, ривожланиши истиқболлари;

Ўзбекистон молия бозоридаги биржа, депозитар-реестр, ҳисоб-клиринг тизимларининг фаолияти механизми, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари;

Ўзбекистон молия бозорини жаҳон молия бозорига интеграцияси муаммолари ва истиқболлари;

**3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ
НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ**

**Иқтисодий глобаллашув жараёнларида жаҳон молия
бозорининг шаклланиши ва ривожланиши**

Иқтисодий глобаллашув жараёнларида жаҳон молия бозорининг (ЖМБ) ўрни, мақсади, вазифалари ва муаммоларини ўрганиш;

ЖМБ шаклланишининг қисқача тарихи, глобаллашувининг зарурлиги ва муаммолари, ҳозирги замон фаолиятининг шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

ЖМБ глобаллашувининг халқаро қонуний-меъёрий асослари ва стандартларини шаклланиши ва такомиллашиб бориши, муаммоларини ўрганиш;*

ЖМБ ва уни глобаллашувининг назарий ва методологик асослари

ЖМБ назарияси, модели, тизими, сегментлари, иштирокчилари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, уни халқаро даражада мувофиқлаштириш асослари ва муаммоларини ўрганиш;

ЖМБ назариясининг Ш.Шохаъзамий моделлари асосида талқини;

ЖМБ методологик асосини ташкил этувчи 30 гуруҳи таклифлари ва уларни амалиётга жорий қилиниши муаммоларини ўрганиш;*

**ЖМБ ва ундаги халқаро даражада интеграциялашган
биржа, депозитарий ва ҳисоблашув-клиринг,
электрон савдо-котировка тизимлари**

ЖМБда ва иқтисодиётда халқаро фонд биржаларининг роли, вазифалари,

функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;*

ЖМБда ва иқтисодиётда депозитар-реестр тизимларининг роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

ЖМБда ва иқтисодиётда халқаро ҳисоблашув-клиринг тизимларининг роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

ЖМБда ва иқтисодиётда халқаро электрон савдо-котировка тизимларининг роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, интеграцияси муаммолари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

Ўзбекистон молия бозорини жаҳон молия бозорига интеграцияси муаммолари ва истиқболлари

Ўзбекистон молия бозори ва молия тизими, уларнинг фаолияти ва мувофиқлаштирилиши муаммолари, ривожланиш истиқболларини ўрганиш;*

Ўзбекистон молия бозоридаги биржа, депозитар-реестр, ҳисоб-клиринг тизимларининг фаолияти механизмлари, муаммолари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

Ўзбекистон молия бозорини жаҳон молия бозорига интеграцияси муаммолари ва истиқболларини ўрганиш;

4. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

Ушбу дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар, фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар бандларида кўрсатилганларнинг тегишлилари қўлланилиши ҳамда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталаридан фойдаланиш мумкин. Бунда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталари кафедра томонидан берилиб борилади.

Тавсия этиладиган сайтлар

1. Фонд биржаларининг халқаро федерацияси <http://www.fibv.com/>
2. Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти <http://www.iosco.org/>
3. АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси <http://www.sek.gov/>
4. Европа иттифоқи директиваларининг тўлиқ матни <http://www.europa.eu.int/>
5. Франциянинг биржавий операциялари бўйича комиссияси <http://www.cob.fr/>
6. Италиянинг фонд бозори бўйича комиссияси CONSOB <http://www.consob.it/>
7. Испаниянинг фонд бозори бўйича миллий комиссияси CNMV <http://www.cnmv.es/>
8. Австралиянинг қимматли қоғозлар ва инвестициялар бўйича комиссияси ASIC <http://www.asic.gov.au/>
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Марказий Депозитарийси <http://www.deponet.uz/>
10. «Тошкент» РФБ <http://www.uzse.com/>
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази <http://www.atm.uz/>
12. Журнал «Рынок ценных бумаг» (РФ) <http://www.rcb.ru/>
13. ОЭСР <http://www.oecd.org/>

14. Европа инвестиция банки European Investment Bank <http://www.eib.org/>
15. Европа тикланиш ва тараққиёт банки European Bank for Reconstruction and Development <http://www.ebrd.com/>
16. Европа ва Осиё мамлакатлари фонд биржалари Федерацияси Federation of Euro-Asian Stock Exchanges <http://www.feas.org/>
17. Европа фонд биржалари Федерацияси Federation of European Stock Exchanges <http://www.fese.be/>
18. Шимолий Америка фонд биржалари Федерацияси Federacion Iberoamericana de Bolsas de Valores <http://www.fiabv.org/>
19. Меррил Линч Merrill Lynch <http://www.ml.com/>
20. Морган Стэнли Morgan Stanley <http://www.ms.com/>
21. Джи.Пи.Морган J.P.Morgan & Co. <http://www.jpmorgan.com/>
22. Буюк Британия, Молиявий хизматлар бўйича Кенгаш The Financial Services Authority <http://www.fsa.gov.uk/>
23. Германия, Қимматли қоғозлар ва фьючерслар бўйича Комиссия Bundesaufsichtsamt fur den Wertpapierhandel <http://www.bawe.de/>
24. Гонконг, Қимматли қоғозлар ва фьючерслар бўйича Комиссия Securities and Futures Commission <http://www.hksfc.org.hk/>
25. ХХР, Хитой фонд бозори бўйича Комиссия China Securities Regulatory Commission <http://www.csrc.gov.cn/>
26. Малайзия, Қимматли қоғозлар бўйича Комиссия Securities Commission <http://www.sc.com.my/>
27. Россия Федерацияси, Қимматли қоғозлар бўйича Федерал комиссия <http://www.fedcom.ru/>
28. Япония, Молия Вазирлиги <http://www.mof.go.jp/>
29. *Рейтинг агентликлари:*
30. Moody*s Investors Service <http://www.moody.com/>
31. Standard & Poor*s <http://www.standardpoor.com/>
32. Fitch IBCA <http://www.fitchibca.com/>
33. Duff & Phelps Credit Rating Co. <http://www.dcrco.com/>
34. *Илмий тадқиқот ташкилотлари ва консалтинг фирмалари:*
35. Брайан Тэйлор тадқиқотлари Global Financial Data <http://www.globalfindata.com>
36. Иқтисодий тадқиқотлар Миллий бюроси (АҚШ) National Bureau of Economic Research <http://www.nberws.nber.org/papersbyprog/>
37. Акциялар Немис институти Deutsches Aktieninstitut e.V. <http://www.dal.de/>
38. Internet Trading Group <http://www.internettrading.ru/>
39. *Ахборот агентликлари:*
40. Dow Jones Co. <http://www.dowjones.com/>
41. Reuters <http://www.reuters.com/>
42. Telestock <http://www.teleserv.co.uk/>

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу фан бўйича ўқув режада жами 90 соат ажратилган бўлиб, шундан 20 соат маъруза, 40 соат амалий иш, 30 соат мустақил таълим. Ўқув жараёни давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 90 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 36 балл, оралиқ баҳолашга 27 балл ва якуний баҳолашга 27 балл ажратилади. «Ёзма иш» вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва талабалар рейтинг тизими асосида белгиланади.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари учун фанга белгиланган баллар миқдори ўқув режаси бўйича ҳар семестрда ажратилган соатнинг 70 фоизи доирасида белгиланади. Ўқитилаётган фанга маъсул бўлган кафедранинг қарори билан мавзуларнинг мураккаблигига ва зарурийлигига қараб баллар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

- магистратура тингловчисининг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича қонуний ва меъёрий ҳужжатларни конспектлаш;
- кафедра томонидан белгиланган мавзулар бўйича реферат ёзиш;
- мустақил таълим доирасида берилган назорат ишларини бажариш.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари «Ёзма иш» усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва хоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Якуний баҳолашда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг магистратура тингловчисининг билими баҳоланади. Якуний баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30 фоизи миқдорида белгиланади. Фан бўйича якуний баҳолаш босқичи белгиланган тартибда «Ёзма иш» усулида ўтказилади.

Олий таълим муассасаси фанлар учун баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш механизмини ишлаб чиқади ва услубий кенгашда тасдиқлайди.

Семестр ёки ўқув йили давомида ўқитиладиган фан бўйича минимал 55 ва ундан юқори фойизни тўплаган магистратура тингловчиси қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фанлар бўйича минимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган магистратура тингловчиси қониқарсиз (академик қарздор) ўқиётган деб ҳисобланади.

Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичи билан баҳоланади:

- 86 фоиздан 100 фоизгача (77.4 баллдан 90 баллгача);
- 71 фоиздан 85 фоизгача (63.9 баллдан 76.5 баллгача);
- 55 фоиздан 70 фоизгача (49.5 баллдан 63 баллгача).

«Ёзма иш» вариантларини баҳолаш мезонлари кафедра мажлисининг баённомалари билан тасдиқланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. – Т.: Консадитинформ, 2001. – 472 .
4. Максимо В. Энг, Фрэнсис А. Лис, Лоуренс Дж. Мауер. Мировые финансы./Пер. с англ. - М.: «Издательско-консалтинговая компания «ДеКА».-1998.-736 с.
5. Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: современное состояние и закономерности развития. - М.: ФА.- 2000.-312с.
6. Шохаъзамий Ш.Ш. ва бошқалар. Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида. – Т.: Адолат, 2002.-275 б.
7. Шохаъзамий Ш.Ш. идр. Предприниматель на рынке ценных бумаг - Т.: Адолат, 2002.-275 с.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев Е., Шохаъзамий Ш.Ш. Қимматли қоғозлар.100 савол ва жавоб – Т.: Меҳнат, 1997, - 260с.
2. Алексеев В.А. Рынок ценных бумаг – М: Финансы и статистика, 1993 – 250 с.
3. Биржевое дело: Учеб. / Под. ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 304 с.
4. Рынок ценных бумаг и его финансовые институты: Учебное пособие / Под. род. В.С. Торкановского, - С-Пб.: АО«Комплект», 1994.– 412 с.
5. Тьюлз Р., Бредли Э., Тьюлз Т. Фондовый рынок – 6-е изд.: пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1997 – VIII – 648 с. (Университетский учебник).
6. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1999 – XII, 1028 с.
7. Информационные бюллетени «Рынок ценных бумаг», Агенства «Консаудитинформ»
8. Информационные бюллетени РФБ «Тошкент»
9. Ўзбекистон Республикасининг банк, молия, қимматли қоғозлар бозорига оид қонуний-меъёрий ҳужжатлари.- система «ПРАВО».